Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

# Тошкент оқшоми

2018 йил 14 август, сешанба

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (13.750)

Баҳоси эркин нархда

27 O'ZBEKISTON MUSTAQILLIK • INDEPENDENCE

# АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## "AIR PRODUCTS": ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ

***Ҳамкорлик учун айнан Ўзбекистон танланишининг замирида мамлакат раҳбарияти томонидан ўзаро манфаатли халқаро алоқаларни йўлга қўйиш йўлида амалга оширилаётган салмоқли ўзгаришлар ва кенг миқёсли ислоҳотлар мужассам.***

Бу ҳақда "Air Products" (АҚШ) компанияси президенти Сейфи Гасеми Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алишер Султонов билан музокара чоғида маълум қилди.

Учрашувдан сўнг С.Гасеми журналистларга интервью берди.

**– Жаноб Гасеми, аввало компаниянгиз ҳақида маълумот берсангиз.**

– Биринчи галда Ўзбекистонга келганимдан хурсандман. Компаниямиз фаолиятига 75 йил бўлди. Дунёнинг 50 мамлакатида қарийб 15 минг ходимимиз хизмат қилади. Бугунги кунда компаниянинг капиталлашуви 35 миллиард долларни ташкил қилмоқда. "Air Products" фаолиятининг асосий йўналиши кимё, металлургия ва озиқ-овқат саноати соҳаларида хизматлар кўрсатишдан иборат.

Стратегиямиз – фаолиятимизни кенгайтиришдан иборат. Яқинда янги стратегик тадқиқот ўтказиб, Хитой, Россия, Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда фаолиятимизни йўлга қўйишга қарор қилдик. Марказий Осиё минтақасида ҳамкорлик учун айнан Ўзбекистон танланишининг асосий сабаби мамлакатингизда очиқликни таъминлаш ва инвестициялар жалб қилиш йўлида амалга оширилаётган салмоқли ўзгаришлардир.

Фаолиятимиз модели фақат ускуналар етказиб бериш, яъни "келдинг, сотдинг ва кетдинг" қабилидаги ҳамкорликни кўзда тутмайди. Биз муайян мамлакатга узоқ муддатли инвестиция киритишни мақсад қилганмиз. Бу борада Ўзбекистон энг қулай мамлакат бўлиб, таъкидлаганимдек, бу ерда муваффақиятли бизнес юритиш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, буларнинг барчаси қароримиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилишимизга асос бўлди. "Air Products" мамлакатингизда нефть, газ ва металлургия саноатини ривожлантиришда керакли бўлган ноёб технологияларга эга.

**– 2018 йил 24-26 май кунлари бўлиб ўтган XXII Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми чоғида "Ўзбекнефтгаз" АЖ ва "Air Products" ўртасида "Метанолдан олефин олиш" (МОО) лойиҳаси бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Унинг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?**

– Дарҳақиқат, мен жаноб Султонов билан Санкт-Петербургдаги халқаро форум чоғида учрашган эдим. Биз дастлабки муҳокамалар ўтказиб, ўзаро англашув меморандумини имзоладик. Мамлакатингизга келишимнинг асосий сабаби ҳам шу.

МОО бўйича муҳокама қилинган лойиҳанинг истиқболи порлоқ. Бундан ташқари, биз бошқа лойиҳаларни ҳам кўриб чиқдик. Янада яқин ҳамкорликка тайёрмиз.

**– "Air Products" компанияси Ўзбекистонда саноат газлари (жумладан, кислород, азот, аргон, водород, синтез гази ва бошқалар) ишлаб чиқариш, қўллаш ва дистрибуция қилишга қизиқиш билдирди. Ишчи гуруҳнинг илк йиғилиши саноат газлари ишлаб чиқариш аудитини ўтказиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу аудитни ўтказиш муддати қандай? Ўзбекистонда саноат газлари ишлаб чиқариш бўйича қачон қарор қабул қилинади?**

– Биз юртингизда саноат гази ишлаб чиқариш, уни қўшни мамлакатларга етказиб бериш бўйича компания ташкил қилиш учун Ўзбекистонга сармоя киритиш ниятини билдирдик.

Компаниямизнинг етакчи мутахассислари ва ҳукуматингиз вакилларини жалб қилган ҳолда аниқ вазифаларни муҳокама қилиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ишчи гуруҳ Ўзбекистон ҳудудида мавжуд имкониятларни ўрганади, маркетинг тадқиқотлари ўтказиб, "Йўл харитаси" ишлаб чиқади.

Истиқболдаги режа ва ҳаракатларни белгилаб олиш учун икки ойдан сўнг қайтишни мўлжалламоқдамиз.

**– "Air Products" "Ўзбекнефтгаз" АЖ билан ҳамкорлик доирасида бошқа сармоявий лойиҳаларни кўриб чиқишни режалаштираяптими? Ҳамкорликни кенгайтириш мумкин бўлган йўналишлар мавжудми?**

– Қайд этганимдек, "Air Products" ҳозирги пайтда МОО лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Бундан ташқари ҳавони ажратувчи қурилма ишлаб чиқарадиган компания билан ҳамкорликда Қашқадарёда GTL заводини қуриш лойиҳасида иштирок этмоқдамиз. Шунингдек, келишувга кўра, ишчи гуруҳ икки томон учун ҳам бирдек манфаатли win-win моделига асосланиб, янги таклифлар ишлаб чиқади.

**– Ўзбекистондаги замонавий инвестицион муҳит ҳақида қандай фикрдасиз? Мамлакатимиз раҳбариятининг уни яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида нима дея оласиз?**

– Мамлакатингиз Президенти томонидан амалга оширилаётган, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ислоҳот ва ташаббуслар бизда катта таассурот уйғотди. Хусусан, бюрократия ва коррупцияга барҳам бериш, валюта бозорини эркинлаштириш каби ишларни алоҳида қайд этмоқчиман. Таъкидлаш жоизки, музокара чоғида жаноб Султонов билан мамлакатингизга тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, компаниямиз Ўзбекистоннинг турли ташкилотлари билан биргаликда лойиҳаларда иштирок этишдан манфаатдор.

**"Ўзбекнефтгаз" АЖ матбуот хизмати**



***Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев юртимизни улуғлаш, ёшларни ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусида тарбиялашда ижодкорлар зиммасида ғоят улкан масъулият бор эканини таъкидлади.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ЮРТ МАДҲИНИ КУЙЛАШ БАХТ

Жорий йил ўнинчи марта ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов Ватанимизни шарафловчи энг яхши қўшиқларни саралаш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир. Бу йилги танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, туман, шаҳар, вилоятлар босқичларида 32 минг 600 нафардан ортиқ ижрочи ўз қўшиқлари билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ санъат байрами "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилди. Танловда Мудофаа, Ички ишлар, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси томонидан кўплаб янги қўшиқлар тақдим этилди.

Ижодий лойиҳада Самандар Алимов, Рустам Алимардонов, Раҳим Мирзакамолов сингари опера усталари Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қатнашгани мумтоз санъатимиз жозибаси ва мафтункорлиги, хонандаларимизнинг бетакрор овози, ижодий салоҳиятидан баҳраманд бўлиш имконини берди.

– Танловда "Яхшилик зиёси" номли қўшиқ билан қатнашдим, – дейди Ўзбекистон халқ артисти С.Алимов. – Танлов ёши, профессионал даражаси турлича бўлган хонандаларнинг ижодий имкониятларини томошабинга тақдим этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, композитор Аваз Мансуровнинг таъкидлашича, бугунги кунда турли тантаналар, давраларда баралла янграётган "Юрт ишқида ёнаман", "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!", "Улуғимсан, Ватаним!" каби халқимизнинг севимли қўшиқлари ҳам "Ўзбекистон Ватаним – маним", "Ўзбекистон қўшиқ байрами" каби ижодий лойиҳалар самарасида яратилган.

...Саҳнада қўшиқ янграйди. Улар таъсирчан, жўшқин, тантанавор. Ўзбекистонни қадрлашга, эъзозлашга, тинч ва осойишта кунларимиз учун шукроналик туйғуси билан яшашга чорлайди.

– Сўз ва мусиқа – қўшиқнинг икки қаноти, – дейди ЎзА мухбирига шоира Фарида Афрўз. – Шу қанотлар мустаҳкам бўлганидагина пухта, тингловчи қалбидан ўрин оладиган қўшиқ яратилади.

Анъанага кўра, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолиб ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

**Н.УСМОНОВА**

## МДҲ ЖУРНАЛИСТЛАРИ АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

***Душанбе шаҳрида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат ахборот агентликлари журналистларининг иккинчи пресс-тури ўз ишини якунлади. Анжуманда Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь ва Россия Федерацияси давлат ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда Ҳамдўстлик мамлакатларида туризмни ривожлантиришда стратегик ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, ёшлар туризмини ривожлантириш, бу борада ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Анжуманда маълум қилинганидек, МДҲга аъзо мамлакатлар Туризм бўйича кенгашининг навбатдаги мажлиси 2019 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Бу қарор Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Абдулазиз Аққулов таклифи билан кенгаш аъзолари томонидан қабул қилинди.

Анжуманнинг иккинчи куни халқаро пресс-тур иштирокчилари Тожикистоннинг Ҳисор шаҳрида бўлиб, XVI асрда барпо этилган "Қалъаи Ҳисор" қалъасини кўздан кечирди. Шунингдек, атоқли тожик шоири Мирзо Турсунзода номидаги шаҳарни бориб кўрди. Сурхондарё вилояти Узун туманининг шундоққина биқинида жойлашган ушбу шаҳар жамоатчилиги журналистларни "Хуш омадед, биродароне хабарнигор! Хуш омадед!" ("Хуш келибсиз, журналист биродарлар! Хуш келибсиз!") деб карнай-сурнай билан кутиб олди.

**Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Душанбе шаҳри*

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

Видеоселектор шаклида ўтказилган мажлисда Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг аъзолари, Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ва минтақавий ишчи гуруҳ раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раиси Н.Йўлдошев таъкидлаганидек, ҳар ишда қонунийлик ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг нафақат минтақа, балки бутун дунёда янгича қиёфада ва том маънодаги демократик давлат сифатида намоён бўлишини таъминламоқда.

Бугун кўп миллатли халқимиз ўзаро тотувлик, бунёдкорлик муҳитида эртанги кунга мустаҳкам ишонч ва осойишта ҳаёт учун шукроналик ҳисси билан меҳнат қилмоқда. Бундай эмин-эркин ва саодатли ҳаётнинг энг асосий омили тинчлик ва осойишталикдир. Зотан, фақат тинчлик бўлган жойдагина бахтли ҳаёт ҳукм суради. Осойишта мамлакатдагина кексаю-ёш фароғатда яшайди, оилаларда қут-барака бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати ҳамда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирнинг кун тартиби доирасида жорий йилнинг етти ойи давомида жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва галдаги вазифалар, шунингдек, "Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат" тизимини амалиётга жорий этиш тартиб-таомиллари муҳокама қилинди.

Танқидий руҳда ўтган мажлисда қисқа муддатда ички ишлар идоралари тузилмаси тўлиқ янгиланиб, тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилингани, ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида мавжуд куч ва воситалар жойларга қайта тақсимлангани таъкидланди.

Илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг 65 фоизи аҳолига яқин, яъни маҳаллаларда хизмат вазифасини ўтамоқда. Натижада ўтган йилда жиноятлар сони 2016 йилга нисбатан 13 минг 720 тага ёки 16 фоизга, жорий йилнинг олти ойида эса 13 минг 599 тага ёки 39 фоизга, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар сони 38,3 фоизга камайгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Хоразмда "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Урганч шаҳридаги Ёшлар маркази биносида бўлиб ўтган тадбир доирасида вилоятда ижод қилаётган тасвирий ва фото санъати усталарининг кўргазмаси ҳамда китоб ярмаркаси ташкил этилди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.**

**• Навоийда вилоят ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар" шиори остида форум ўтказилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган форум доирасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ мулоқотлар ҳам бўлиб ўтди.**

**• Урганчда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахслар, умуман, доимий иш ўрнига эга бўлмаган фуқаролар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 924 корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектлари 5 минг бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркага 1 минг 700 га яқин доимий иш ўрнига эҳтиёжи бор фуқаро жалб қилиниб, уларнинг 376 нафарига ишлаш учун йўлланма берилди.**

**• Тошкент вилояти Зангиота туманида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши марказий аппарати ва Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда депутатлар, туман сайлов комиссияси аъзолари, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этди.**

**• Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Юсуф Тўхташев раҳбарлик қилаётган "Бегзод-Т" фермер хўжалигида 2018 йил мавсумида уруғлик учун экилган майдонларда ғўза апробациясини ўтказиш ва сифатли уруғлик жамғармасини яратиш масаласига бағишланган вилоят кўргазмали семинари ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Конгода Эбола безгаги тобора авж олмоқда. Ҳозирда ҳимоя кийимида бўлишларига қарамай, буни етарли эмас деб ҳисоблаган ҳолда шифокорларни ҳам вакцина билан эмлаш тавсия этилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, кейинги икки ҳафта ичида ушбу юқумли касалликка чалинган 43 киши вафот этган.**

**• SAS ташкилоти россиялик югурувчи Мария Савинкованинг 2010-2013 йилларда ўтказилган мусобақаларда қўлга киритган олтин медаллари бекор қилингани учун Мариянинг уларни тиклаш мақсадида берган апелляциясини рад этди.**

**• Марказий Африка Республикасида ўлдирилган 3 нафар россиялик журналистнинг ҳайдовчиси унинг олдига доимо кириш мумкин бўлгани ҳамда хавфсизлик чораларини қўллаш мақсадида ҳибсда ушлаб турилмоқда. Ҳозирда у мазкур қотиллик иши бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинмоқда.**

# ТАНСИҚ ВА ТАНҚИС НЕЪМАТ ШУКРОНАСИ

**Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиб...**

Қарорни ўқир эканман шу онда истиқлол ва унгача бўлган йўл ҳақида чуқур хаёлга толдим. Хаёлимдан чалғимаслик учун кўзимни юмиб олдим... Қарорда айтилганидек, “Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда...”

### 1997 йил 7 январь: “Умид” ва 800 талаба

Ҳеч нарсага осонликча эришиб бўлмайди. Ҳар бир юмушнинг ечимидан кўра, тўсиғи бўртиб туради. Бундан бир неча йиллар илгари мамлакатда сиёсий-иқтисодий ҳолат ғоят танг, сабру бардош ҳар лаҳзада синовдан ўтиб турган давр. Ҳамманинг ғалваси ўзига етарли. Йиллар қувонч билан бирга ташвишларни юзма-юз қилади. Бундай вазиятда ҳар қандай қарор қабул қилиш кўп мулоҳаза талаб қилади.

Ана шундай машаққатли дамларда Биринчи Президентимиз кўпинча одилона тўхтамга келганини бугун ҳаёт исботлаб турибди...

Ўтган аср сўнггида ишонч тоғ қадар юксалиб оламга юз тутди. 800 нафар ёш авлод вакили хорижда билим олишга жўнатилди. Шунчаки, эмас, минг машаққатлар эвазига жўнатилди. “Умидли”ларни хорижда ўқитиш учун Биринчи Президентимиз 1997 йил 7 январда қатъий туриб айтган эди: “Мана шу ёшларни чет мамлакатга юбориш учун пул топаман, валюта топаман, бу болаларни жўнатаман...”

Орадан йиллар ўтиб, 1999 йилда АҚШга ташрифи чоғида талабалар билан учрашувда эса давлат раҳбарининг даъватидан қароғимга ёш қалққани чин: “Ишонаман, мана шундай ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради, сиздай ёшлар бор экан, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ...”

Айнан шу маҳалда менда ҳам мақсадлар якдиллашиб – ким бўлиш, қаерда ўқиш каби саволлар деярли ечимини топган эди. Кутубхона ва репититордан қадами узилмай қолган ўспирин учун давлат раҳбарининг ака-опаларимга билдирган ишончи менга нафақат далда, балки ғайрат-шижоат ҳам бағишлаганди. Баъзан шундай эътибор бўладики, инсоннинг юриш туришини, ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади.

Яна ўша қарорга мурожаат қиламиз: “Ўтган давр биз учун ғоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради...”

### Шаҳидлар хотираси... 1999 йил 30 август...

Кўзимни юмиб ортга тисариламан. Кун тафти ер бетига ёйилиб, атрофни ёндиргудек қиздира бошлаган, шовқин, беҳаловат ҳаёт саси эса элас-элас қулоққа чалинади. Сўлғин кайфият яна қай томонгадир от солмоқда. Хайрли таассурот тилаб, иш столига ўтираман...

Биномиз баланд. Бояги манзара – юртимизнинг сон-саноқсиз довюрак жигарбандлари ном-нишонсиз кўмилган, ҳозир обод зиёратгоҳга айлантирилган жой олисдан кўзга ташланади. Мажмуанинг очилиш маросимида Биринчи Президентимиз шундай эзгу сўзларни таъкидлаган эди: “Ўтганлар олдида қарзимизни адо этдик... Савобли ишга ким қўл урган бўлса, эшитсин, албатта, қайтади”. Шу видеолавҳани қайта-қайта томоша қилдим. Шукроналик ва қатъият акс этган беғубор онлар қайдномаси... Келинг, шу фурсатда яқин ўтмишда кечган воқеага юзланайлик.

...Автобусдан тушдик. Катта ва гавжум шаҳар. Атрофда қурувчилар тиним билмай ишламоқда. Она тили ва адабиёти ўқитувчимиз шовуллаб оқаётган каналнинг бир четига бошлади. Узоқ сукут сақлаб турди. Офтобда қорайган юзлари негадир нурлангандек туюлди менга. Қотмадан келган, тепа сочи сал сийраклаган, қиррабурун, кўзойнак таққан устозимиз нималарнидир унсиз пичирлай бошлади. Кейин қўлларини дуога очиб, жадид ёзувчиларни номма-ном санаб, уларга охират ободлигини тилади. Ҳайратда қолганимизни пайқади чамамда, тушунтира бошлади. Бу бундай, у ундай... Мустақиллик – бу, қурбонлар деганидир, деди оҳиста.

Шундан буён эркинлик ҳақида сўз кетса, бизни ўзга оламга бошлаган устозимнинг самимий сўзлари қулоғим остида тез-тез такрорланади. Ўшанда Тошкентга келиб, дастлаб кўзимиз тушган манзил – Шаҳидлар хотираси мажмуаси. Бу ерда қурилиш кетаётган экан. Орадан йиллар ўтди, ҳар гал йўлим шу тарафларга тушса, албатта, бир кириб ўтаман. Бу одатга айланган. Балки адабиёт ўқитувчимизнинг хотираси ҳурматидир... Ўшандан кейин ўқиб, ўрганишлар давомида шунга яна бир карра амин бўлдимки, мустақилликни бизга ўтган аср аввалидаги аждодларимизнинг улкан жасорати, сўнмас қалб ҳарорати ҳам тақдим этган экан. Тўғри, баъзан қонуний асос биринчи даражага чиқади. Лекин бундай олий мақсадни кўнгилларга улашган жадидлардек фидойи жафокашлар эмасми?! Қонуний асосларнинг йўли бир ён экану бу бир ён экан. Шунинг учун ҳам 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Президент қароридан: “Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутади...”

### Янги ўзбек цивилизацияси

Тинчлик, эркинлик ҳақида қандай далилларни келтирай. Айтинг! Энг ишончли далил – бу менинг қалбим. Чиндан ҳам шундай эмасми? Уни жонсиз, сохта, пуфлаб шиширилган мутахассис маълумотлари билан бойитиб, кимнингдир бошини қотиришдан йироқман. Ўрни келганда қайсидир сана, бошқалар фикридан иқтибос келтирарман. Лекин бу бошқа масала. Мустақиллик борасида, умуман, нима қораласам ҳам мен англаганимни, юрак-юракдан нимани ҳис қилсам, ўшани оққа кўчиришга қарор қилганман... Тўғри, ёзаётганим қанақадир тартибларга, измларга тушмас. Аммо қалбда жўш урган туғённи беўхшов қарамликка ем қилиш иддаосида эмасман. Бу эскартма.

Мустақиллик – инсон учун ҳамма нарса! Кимгадир буни изоҳлаб бериб бўлмайди.

Аждодлар бу неъматни деб бошини беҳуда кундага қўймаган. Ахир ҳурликдек бетимсол қадрият ҳамиша кишилик жамиятида олий даражада эъзозланган. Беш-ўн йил илгари оилам билан ижарама-ижарама пойтахт кўчаларида сарсон кезинганмиз. Нега шундай бўлган биласизми?! Кейинчалик ўйлаб, бу тўхтамга келганман. Бизга – оиламга эркинлик етишмасди. Ягона сабаб шу. (Ижарадорлар ўтирсанг ўпоқ, турсанг сўпоқ, деявергандан сўнг яшаб бўладими. Остонаси тиллодан бўлса ҳам, бор-э, деб юборасиз-да. Бўлмаса, уй эгалари узоқда туришади. Ҳеч бўлмаса дам олиш куни хотиржам ўтишини сўраб Яратгандан ўтинганим кечагидек эсимда. Ҳасрат қилаяпти, деб ўйламанг. Шунчаки, мавриди келди, холос.) Кўраяпсизми, мўъжаз оиланинг хотиржамлигида ҳам эркинлик билан узвий боғлиқлик бор экан-а!

### Болаликдан таниш манзара

Худди шунақа: эркинлик тансиқ ва танқис неъмат. Яқинда бир видеоёдномага кўзим тушди. Унда таниқли олим, тарихчи-сиёсатшунос Н.Жўраев хотиралари билан ўртоқлашди: “Мустақиллик, Ўзбекистон ва Ислом Каримовни бир-биридан ажратиб бўлмайди... Бу яхлитлик тарихга кирди... Ўтиш даврида айрим камчиликлар бўлди, бу – табиий. Лекин бу камчиликлар ҳаммамизники, бир одамники эмас эди-да энди... Шукрки, барча камчиликлар тарихий ютуқларимиз соясида қолиб кетди. Ўзбекистоннинг янги цивилизациясини халқимиз учун Ислом Каримов бошлаб берди. Бу китобий, баландпарвоз гап эмас... У инсон янги ўзбек цивилизациясини бошлаб берган буюк шахсдир...”. Мана, мустақилликнинг негизи, ўқ илдизи қаерда?!

Ҳадемай бахтимиз ва толеимиз қаҳкашони мустақилликнинг 27 йиллик байрамини нишонлаймиз. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда яшаётган яхши ниятли инсон борки, табаррук байрамга ўзгача севинч, ўзгача қувонч, қолаверса, ўзгача ғурур, ўзгача ифтихор билан пешвоз чиқади. Негаки, халқимизнинг беғубор тилаклари айнан Истиқлол туфайли ижобат бўлди. Яна Президент қарорига юзланамиз: “Халқимизнинг асрий орзуси бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллиги...” ҳамиша эл ардоғида. Мустақиллик азалий қадриятларимиз, поймол бўлган урф-одатларимиз, мудраб ётган анъаналаримизнинг қайта қад ростлашига замин яратди. Такрор бўлса-да айтиш жоиз, буюк аждодларимизнинг табаррук номлари тикланди, қадимий тамаддунимиз дунё аҳли тамонидан эътироф этилди.

Сўзимни болалигимдаёқ мени мафтун этган шоирнинг қуйидаги ўтли мисралари билан якунласам: “Қадим юртга қайтсин қадим наволарим, Қумлар босиб қуримасин дарёларим. Алпомишга алла айтган момоларим Руҳини шод этай десанг – халқ бўл, элим!.. Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна, Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна. Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна, Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл, элим...”.

**Ғайрат ШИРИНОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

---

# ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бироқ олиб борилаётган кенг кўламли ишларга ва эришилган муайян натижаларга қарамай, мамлакатимиздаги криминоген вазиятдаги ўзгаришлар кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Бунинг боиси жиноятчиликнинг туб илдизини, энг асосий сабабларини аниқлаш ўрнига кўпроқ унинг оқибатларини бартараф этиш устида иш олиб борилмоқда, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш услубидан воз кечилмаган.

Баъзи ҳудудларда жиноят-қидирув йўналишидаги айрим жиноят турларининг сони ошиб бораётгани ташвишли ҳолдир. Жумладан, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, транспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари кўпайган.

Қотиллик жинояти аксарият ҳолларда оила-турмуш ва қўшничилик билан боғлиқ муаммолар оқибатида юз бермоқда. Жорий йилнинг 7 ойида 277 қотиллик жиноятининг 116 таси қариндошлар, 25 таси қўшнилар ўртасида содир этилган. Мазкур жиноятларнинг 95 таси эр-хотин, ака-ука, ота-ўғил ўртасида содир этилгани миллий анъаналаримиз ва оила қадриятларига мутлақо зиддир.

Ушбу йўналишда ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун масъул раҳбарларнинг бундай аҳвол юзасидан тушунтиришлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Бобожонов соҳадаги камчиликлар, уларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

– Вилоят, туманлардаги секторларда профилактика инспекторлари ўзининг ҳудудидаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмаётгани ва бу борада турли камчиликларга йўл қўяётгани кўриниб қолмоқда, –деди П.Бобожонов. – Агарда профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари масаланинг ичига кириб ишлаганида ва тегишли тартибда тайёргарликни йўлга қўйганида юқоридаги каби муаммолар, жиноятларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди. Янги тизим “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат” шиори остида ишлаш ҳар бир ички ишлар органи ходимларининг бош мақсадига айланиши керак. Шунинг учун яна бир бор таъкидлаб айтаман, агарда ҳар бир ҳудудда ташкил этилган сектор аъзолари фаол ишласа, уйма-уй юриб муаммоларни ўрганса, турли кўнгилсизликлар, жиноятларнинг олди олинади.

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик, барча фуқаролар масъуллиги, хусусан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва унинг тузилмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатимиз маҳаллаларининг қарийб 60 фоизида жиноят содир этилган. Олиб борилаётган ишларда изчиллик етишмаётгани кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг такрор содир этилишида намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштириш, барча тегишли тузилмалар раҳбар ва ходимларининг масъулиятини ошириш бўйича қатор таклиф, тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев бугунги кунда ёшлар орасидаги жиноятлар ва уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича маълумот тақдим этди.

– Ҳар биримиз битта жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилганимизда жиноятчилик камайган бўларди, – деди Қ.Қуронбоев. – Кўпчилик фуқаролар йиғини раислари, уларнинг ёшлар бўйича ўринбосарлари, туманлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ҳам жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадор усулини яхши англаб етмаган. Нима учун ёшлар томонидан жиноят содир этилаяпти? Чунки унинг руҳий ҳолати баъзи ҳаётий тўсиқлар олдида ожизлик қилмоқда ва натижада жиноятга қўл урмоқда. Шу мақсадда психологлар, ёшлар масалалари билан шуғулланадиган педагоглар, ички ишлар ходимлари билан ўқув семинарлари ўтказдик. Биз мутахассисларга жиноятларнинг келиб чиқиши ҳамда жиноятлар тўғрисида фильм қўйиб берамиз ва гапириб берамиз. Улар жойларга чиқиб, ҳар битта ҳудуд, туманга бориб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Жиноятнинг сабабларидан яна бири – бу ишсизлик. Масалан, Сурхондарёда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тадбирлари фақат расмиятчилик учунгина холос. Шерободдаги қамоқхонада ёшлар билан гаплашганимизда жиноятларнинг аксарияти ишсизлик туфайли содир этилганига гувоҳ бўлдик. Агарда биз ёшларни руҳий жиҳатдан тарбияласак, маънавиятини ошириб, иш билан таъминлашга эришсак, ўйлайманки, жиноятлар кескин камаяди.

Мажлисда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари ва бошқа раҳбар ходимларнинг тизимдаги камчиликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Мажлисда жиноятларнинг аксарияти алкоголь ичимликларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши, чет давлатларда кечки соат 21.00 дан сўнг алкоголь маҳсулотларининг сотилмаслиги ва бу тажрибани мамлакатимизда ҳам қўллаш кераклиги муҳокама қилиниб, таклифлар билдирилди.

Шунингдек, мажлис иштирокчилари “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури амалга оширилишини депутатлар ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш, ушбу дастур ижроси учун масъул раҳбарларнинг ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида мунтазам эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида фикр юритди.

Мажлисда қизғин муҳокамалар якуни бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниб, унинг ижроси қатъий назорат остига олиниши белгиланди.

**Д.СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ:
# ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

***Пойтахтимизда маҳаллий ва хорижий сармоядорлар иштирокида инвестициявий таклифлар бўйича ягона майдончанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимиз озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларига бағишланди.***

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, маҳаллий ва хорижлик инвесторлар иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда йирик инвестициялар ва янги техник ҳамда инновацион ечимларни амалиётга татбиқ этиш бугуннинг долзарб масаласига айланиб бораётганини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдумалик Намозовнинг маълумот беришича, қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, унда фойдаланилаётган ерлар ҳудудимизнинг 45 фоизини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳукумат кафиллиги, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва беғараз кўмак йўналишлари бўйича инвестициялар амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўғридан-тўғри сармояга эга бўлган хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда қатор имтиёзлар тақдим этилган. Яратилган шароитлар туфайли бугунги кунда тўғридан-тўғри хорижий капитал киритилган 170 корхона фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотлари томонидан ажратилган грант маблағлари иштирокида 37 миллион АҚШ долларилик 16 лойиҳа амалга оширилмоқда.

– Тадбирда тизимда амалга оширилаётган ишлар ва хорижий инвесторларни жалб қилишда яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди, – дейди Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ходими Отажон Пирманов. – Озиқ-овқат саноатига инвестиция киритишга қизиқаётган хорижий сармоядорлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан бу учрашув ташкилотлар ва инвесторлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг режаларини рўёбга чиқариш ва муаммоларига ечим излашда ягона майдон бўлиб хизмат қилади.

– Бугун юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бизнинг қизиқишимизни орттирмоқда, – дейди ЎзА мухбирига “Nasen” (Хитой) компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ян Чэньси. – Компаниямиз озиқ-овқат саноати учун музлатгич ва кондиционерлар ишлаб чиқаради ва ўрнатади. Тошкентда сервис марказимиз бор. Бугунги кунда “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бунда биз Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва экспорт қилиш бўйича ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Учрашувда мавзуга доир масалалар, муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

---

***Электр энергетика соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини ушбу соҳадаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.***

# ЭНЕРГЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида жуда катта ишлар бажарилмоқда.

Жумладан, 2005 йилда Толлимаржон иссиқлик электр станциясида 800 МВт қувватга эга энергоблок, 2012 йилда Навоий иссиқлик электр станциясида 478 МВт қувватга тенг бўлган, шартли ёқилғи истеъмолини 1,5 марта камайтириб, 300 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконини берадиган буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Тошкент, Толлимаржон, Навоий иссиқлик электр станцияларида худди шундай йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг қарийб 97 фоизи “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси тасарруфидаги электр станцияларига тўғри келса, қолган 3 фоизи эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги гидроэлектростанциялар ҳамда йирик саноат корхоналарининг блок станцияларидан олинади.

Электр энергетика тизимида ишлаб чиқаришни бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, соҳага ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, истеъмолчи ва таъминотчи муносабатларини тартибга солиш ҳамда соҳага доир бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсадида кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Тармоққа бозор муносабатларини фаол жорий этиш, хусусан, электр энергияси бозорини тўлиқ шакллантириш замон талаби бўлиб қолмоқда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи қувватларни ошириш, магистрал ва тақсимлаш электр узатиш линияларини реконструкция қилиш бўйича “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси қабул қилган дастурлар асосида бир қатор истиқболли лойиҳалар, чора-тадбирлар, халқаро кредит институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қатор инвестицион лойиҳалар амалга оширилаётир.

Истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлаш борасида баъзи ташкилий чораларни қўллаш ҳам яхши натижалар бермоқда.

Ўзбекистон ҳудудидаги қайта тикланадиган энергия турларининг жами ва техник потенциалини баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг экологик хавфсизлиги, ўзлаштириш имкониятлари етарли бўлганлиги учун анъанавий энергия захираларимиздан фойдаланиш истиқболларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Чунки қайта тикланадиган энергия турларини ишлаб чиқариш шароитлари ва маиший ҳаётимизда янада кенг қўллаш электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишда табиий газдан сезиларли даражада камроқ фойдаланишга замин яратади.

Бугунги кун ва истиқбол талабларидан келиб чиқиб, иссиқлик электр станцияларида табиий газни тежаш мақсадида буғ-газ, газ-турбина агрегатларини жорий этиш ва эксплуатация қилиш, турли ёқилғиларни қайта ишлаш ва самарали ёқиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, электр энергиясини тақсимлаш бўйича юқори малакали ходимларни тайёрлаш шу корхоналарда кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, энергетик хавфсизлик, энергиянинг қайта тикланадиган турларидан фойдаланиш, юқори кучланиш техникаси, метрология, стандартлаш ва энергетикада бошқарувнинг ахборот-коммуникация технологиялари, энергетик аудит, энергетик машинасозлик ва кабель техникаси тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш ҳам замон талаби бўлиб қолмоқда.

**Шораҳим ШОАҲМЕДОВ,**
**“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори**

## “Обод маҳалла” дастури – амалда

# КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

***“Обод маҳалла” дастури доирасида шаҳримизда кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш, кириш йўлаклари, ертўла ҳамда томларини таъмирлаш ва тартибга келтириш, улардаги коммунал соҳа билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш ишлари олиб борилаётир. Шунингдек, ушбу дастур доирасида ногирон, кам таъминланган ва кўмакка муҳтож одамлар ҳолидан хабар олиниб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилмоқда.***

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларидан иборат ички ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳ томонидан “Ёнғинлар профилактикаси куни” ҳамда “Обод маҳалла” дастури доирасида пойтахтимизни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш мақсадида ўрганишлар олиб борилмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни жойида бартараф этиш, ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Шайхонтоҳур тумани Ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан фуқароларнинг мурожаатлари асосида тумандаги “Тахтапул” маҳалласи, Сойиб Хўжаев кўчаси, 6-2, 6-4 ва 6-6-сонли уйларга ёнғин хизмати ходимларини жалб этган ҳолда электр симёғочдан тортилган электр симларга тегиб турган шох-шаббалар буталанди ва бошқа соз травезга уланди.

Шунингдек, ўрганишлар жараёнида 12-8-уйининг иситиш печининг дудбурони қурум билан тўлиб қолгани аниқланди. Бу ҳолат ҳам туман ёнғинга қарши курашиш жамияти ходимлари билан ҳамкорликда ўз ечимини топди.

Юнусобод тумани, 2-даҳа, “Ҳуснобод” маҳалласи, 25-сонли кўп қаватли уйнинг канализация қувурлари носозлиги, унинг оқибатида мазкур уйнинг ертўласида сув тўпланиб қолиши фуқароларга ноқулайлик туғдираётган эди. Ушбу ҳолат ҳам ишчи гуруҳ аъзолари томонидан батафсил ўрганилди. Натижада бу ҳолат анчадан бери юзага келаётгани, бунга масъул бўлган ширкат раиси сайланмагани маълум бўлди. Оқава сув хизмати вакиллари ва уларнинг махсус техникаларини жалб этган ҳолда ертўладаги сув олиб ташланди.

Яшнобод туманининг Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ташаббуси билан туманнинг 58-сонли ҳарбийлар шаҳарчасида жойлашган 19-уйда ҳам электр сим ва кабелларда қисқа туташувдан юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида у ерда жойлашган носоз электр тақсимлаш қутиси ва ҳимоя сақлагичлари янгисига алмаштирилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари Сергели тумани, Йўлдош 9-мавзесида бўлишди. 19-уй олдида ёнғин юзага келганда уни ўчириш техникасига сув етказиб берувчи ер ости сув олгичи, яъни гидрантнинг носоз ҳолда эканлиги аниқланди. Бу эса турли ёнғин ҳодисалари келиб чиққанда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг сув олиш имкониятларини чеклаб қўяди. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими ва оқава сув хизмати билан ҳамкорликда мазкур ер ости сув олгичи ишчи ҳолатга келтирилди.

Шу туманнинг “Дўстлик” маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси, 4-уй олдида жойлашган газ тақсимлаш пунктининг техник ҳолати газ таъминоти идоралари мутахассислари билан бирга ўрганилганда носозликлар аниқланиб, улар жойида бартараф этилди. Шу билан бирга ишчи гуруҳ томонидан уй олдидаги трансформаторнинг техник ҳолати ўрганилганда электр қисқа туташув ҳимояланиш тизими ўрнига турли қўлбола симлар ўрнатилгани маълум бўлди. Ва бу қоидабузарлик ҳам мутахассислар томонидан бартараф этилди.

Олмазор тумани, “Аҳил” маҳалласидаги Мойариқ кўчасида жойлашган трансформатор Тошкент шаҳар Электр тармоқлари корхонаси мутахассислари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда янгисига алмаштирилди.

Соҳа ходимлари томонидан ижтимоий соҳа, иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой секторларида ёнғин профилактикасига оид тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Шулар билан бир қаторда жамоат транспортларининг техник ҳолати ва уларда ёнғин хавфсизлиги таъминланганлиги тегишли мутасадди идоралар мутахассислари билан биргаликда ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, Юнусобод туманида жойлашган “8-автобус саройи” масъулияти чекланган жамиятида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Йўл ҳаракати ва Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ходимлари иштирокида автобусларнинг йўналишга чиқишидан олдин уларнинг техник ҳолати, ёнғин ўчириш ускуналари билан жиҳозланганлиги ва уларнинг созлиги, дори қутисининг мавжудлиги ҳамда керакли дориларга эга эканлиги, йўналишга чиқадиган ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланиб, автобусларда содир бўладиган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилидан хулоса қилган ҳолда тегишли тавсиялар берилди. Шу билан бирга, ҳайдовчилар билан ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари бўйича йўриқномалар ташкил этилди. Энг асосийси, автобусда ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда инсонларни қандай қутқариш ва бошқа ҳаракатлар билан боғлиқ амалий жараёнлар кўрсатилди.

Таҳлилларга кўра содир бўлаётган ёнғинларнинг 75 фоизи аҳоли яшаш жойларига тўғри келади, демак ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари айнан мазкур масканларда ёнғинни бошланғич даврида бартараф этиш, ёнғин зонасидан инсонларни ва моддий бойликларни қутқариш бўйича етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Шу муносабат билан аҳоли яшаш жойларида ўтказилган галдаги ёнғин ўчириш машғулоти Учтепа тумани “Чўпон ота” маҳалласи Қўшилиш биринчи тор кўчаси, 5-уйда шартли равишда олиб борилди. Ёнғин содир бўлганлиги ҳақида ёнғин хавфсизлиги хизматига келиб тушган хабар асосида воқеа жойига тўртта асосий ёнғин ўчириш автомобили, битта автонарвон юборилди. Ўз навбатида ушбу жойга Тошкент шаҳар куч ва воситаларини бошқариш марказидан автоматик равишда газ, электр, тез тиббий ёрдам ва оқава сув хизматларига ҳодиса ҳақида хабар юборилиб, уларнинг ҳам тадбирга жалб этилиши ташкил қилинди. Мазкур машғулотда 20 нафарга яқин шахсий таркиб аъзоси қатнашди. Шартли равишда ташкил этилган ёнғин зонасидан бир нафар инсон қут-қариб олинди ва ёнғин бошланғич даврида бартараф этилди. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилди.

Ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида кўпгина муаммоли ҳолатлар аниқланиб, бартараф этилди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, аслида фуқароларнинг ўзлари озгина ҳаракат қилиб тўғрилашлари мумкин бўлган кичик камчиликларни ҳам катта муаммо деб, кимдир келиб қилиб беришини кутиб турганларига гувоҳ бўлдик. Уйларимизнинг хавфсиз сақланиши, атрофимиз, яшаб турган ҳудудимизнинг обод ва гўзал бўлишига ҳар биримиз озгина эътибор қаратсак ҳаммаси рисоладагидек бўларди. Бу билан эса нафақат маҳалламиз, балки шаҳримизнинг ораста ва гўзал бўлишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**(Ўз мухбирларимиз)**

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, уни беталофат ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Тадбирда 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсумига кўрилаётган тайёргарлик, қишни беталофат ўтказиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Энг аввало, ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик баробарида 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мавсумга тайёргарлик ишлари мавжуд кўп қаватли уй-жойларнинг техник ҳолатини ўрганиш мақсадида хатлов ўтказишдан бошланди. Иссиқлик таъминоти объектлари (марказий ва маҳаллий қозонхоналарнинг ҳолати, иссиқлик тармоқлари, уларнинг ёрдамчи қурилмалари ва малакали мутахассисларни тайёрлаш) танқидий ўрганилди. Бу ишларга туман ҳокимликларининг мониторинг ишчи гуруҳи аъзолари, маҳалла фуқаролари йиғинлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари ҳамда маҳалла фаоллари жалб қилинди.

Ўрганишлар давомида асосан кўп қаватли уй-жой фондини, иссиқлик таъминотини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аниқланиб, бу ишларни бажариш муддатлари белгилаб олинди. Жойларда штаб ишчи гуруҳлари тузилиб ўз ишини бошлади.

Жумладан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мутасадди вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда қуйидаги ишларни амалга оширилиши режалаштирилган.

Иссиқлик таъминоти тизимида 7 та марказий ва 3 та маҳаллий қозонхоналар, 32 та иситиш қозонлари ва 50 километрга яқин иссиқлик тармоқларида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилади. 70 та марказий ва 40 та маҳаллий қозонхона, 831 та иситиш қозонлари, 873 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланади ҳамда 80 километрдан зиёд иссиқлик қопламалари алмаштирилади. Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан 7657 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар борасида ҳам маълумот берилди.

Инспекция томонидан кўп хонадонли уй-жой фондлари ва унга туташ ҳудудларда ноқонуний қурилмалар барпо этилганлиги аниқланиб, ҳудудларда ташкил этилган секторлар раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг мутасадди ходимлари билан биргаликда ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бугунги кунга келиб жами 15777 та кўп хонадонли уй-жой фондларини ўрганиб чиқиш натижасида 11847 та ҳолатда ноқонуний барпо этилган қурилиш объектлари мавжудлиги аниқланди. Уларнинг 8200 таси буздирилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилди. Қолганлари бўйича амалдаги қонун талаблари ва тартибларига мувофиқ ишлар олиб борилмоқда.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## Ёшлар – келажагимиз



# БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

***Маълумки, жорий йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Чилонзор туман прокуратураси томонидан мазкур Фармон ижроси юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

Жумладан, дастур доирасида 27 та идора, банклар ҳамда жамоат ташкилотларининг 300 нафарга яқин ходими жалб этилган ҳолда 14 та ишчи гуруҳ ташкил этилди. Жорий йилнинг 27 июнидан 7 августигача бўлган даврда гуруҳ аъзолари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган, банд бўлмаган ёшларни аниқлаш ҳамда туман ёшлари паспортини шакллантириш мақсадида 42 минг 725 та хонадонга кириб, 50 минг 722 нафар ёшлар билан суҳбатлар ўтказишди.

Суҳбатлар якунига кўра, мавжуд инфратузилмани инвентаризация қилиш, ёшлар шуғулланиш истагини билдирган меҳнат фаолияти турини таҳлил қилиш, шунингдек, имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини саралаш натижалари бўйича тасдиқланадиган параметрлар доирасида намунавий бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Тадбир давомида шунингдек, 289 та янги иш ўринлари яратилди. 172 нафар ёш иш билан таъминланди, 206 нафари касаначиликка жалб қилинди. 168 нафар ёшлар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, 25 нафар ёш йигит-қизларга 1 млрд. 69 млн. 150 минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу билан бирга, 72 нафар ёшга 29,3 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди.

Ёшлар муаммоларини мутасаддиларни жалб қилган ҳолда, жойида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида 51 нафар ёшлар уй билан таъминланди. 59 нафар ногиронга протез-ортопедия маҳсулотлари берилди. 228 нафарига соғлиқни сақлаш масаласида ёрдам берилиб, 118 нафар ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиш курсларига ўқишга юборилиши таъминланди.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш бўйича кенг тушунтиришлар олиб борилмоқда. Уларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги ўтказилиб, келиб чиққан муаммолар ишчи гуруҳ томонидан қонун доирасида ҳал этилмоқда. Жумладан, 4 нафар ёшга фаолият кўрсатиши учун бино ажратилган бўлса, 22 нафарига бизнес режалар тузишда бевосита ёрдам берилди. Шунингдек, 31 нафар ёш тикув машинаси билан таъминланди.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 18 марта спорт мусобақалари ва турли қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. 112 нафар вояга етмаганлар ва ёшлар турли тўгаракларга жалб этилди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, туман ҳокимлиги биноси ёнида “Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан жиҳозланган марказ муҳандислик коммуникацияларига уланиб, электр ва сув таъминоти билан ҳам таъминланди. Шунингдек, туманда жойлашган “Хирмонтепа”, “Лутфий” маҳаллаларида “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари қурилиши ишлари давом эттирилмоқда. “Яккабоғ” маҳалласида “Ёшлар кутубхонаси” ҳамда “Street work out” номли спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Дастур ижроси доирасида меҳнат ярмаркалари ҳам ташкил этилиб, 188 та ташкилотлар ўзидаги 4 минг 902 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Энг муҳими, 126 нафар ёш йигит-қизга ишга йўлланмалар берилди. Муддат талаб этиладиган муаммоларни ҳал этиш юзасидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

**Лазиз ҲАМИДЖОНОВ,**
**Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан тасдиқланган жадвал асосида жорий йилнинг 27 ва 28 август кунлари Тошкент шаҳрининг Бектемир, Яшнобод ва Учтепа туманларида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабули ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу сайёр қабулда барча соҳага оид қизиқтирган саволлар билан иштирок этишингиз мумкин.**

**Сайёр қабул ўтказиш вақти:**

**27 август куни соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар Яшнобод туман аҳолиси учун корхонанинг Яшнобод туман филиали мажлислар залида.**

**Манзил: Яшнобод тумани, Алимкент 1-тор кўчаси, 3-уй.**

**27 август куни соат 15:00 дан соат 18:00 га қадар Бектемир туман аҳолиси учун корхонанинг Бектемир туман филиали мажлислар залида.**

**Манзил: Бектемир тумани, Сувсоз даҳаси, 29-уй.**

**28 август куни соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар Учтепа туман аҳолиси учун корхонанинг Учтепа туман филиали мажлислар залида.**

**Манзил: Учтепа тумани, 15-мавзе, 12-уй.**

**Маълумот учун телефонлар: 231-68-51, 231-14-66**

“TOSHSHAHARNUR” давлат унитар корхонаси томонидан Учтепа тумани ҳудудидаги Фарҳод ва Лутфий кўчалари, Яшнобод тумани ҳудудидаги Қорасув кўчалари ёритиш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари бошланди. Корхонамиз томонидан юқорида кўрсатилган кўчаларда ёритиш тизимларини ўрнатилиши ва 2018 йилнинг 1 сентябргача ишга туширилишини маълум қиламиз.

Кўча ёритиш тизимидаги камчиликлар тўғрисида “TOSHSHAHARNUR” ДУКга қуйидаги телефонлар орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: 230-20-20, 232-20-20, телеграмм: +99895-196-20-20 e-mail: toshnur@inbox.ru

“TOSHSHAHARNUR” ДУК маъмурияти

Тошкент давлат юридик институти томонидан 2004 йилда Исламов Элёр Элмуратовичга берилган В № 178035 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ “Хайдаров Вахид Хайдарович” БУШ (Виноградний) кўчаси, 15.17.18.19.20.53.55.57-уй. 11:05:09:01:05:0017 кадастр рақамли нотурар жойнинг 36.38.40-уй. 11:05:09:01:05:0715 кадастр рақамли 58.59.60.61-уйлар 11:05:09:01:05:0717 кадастр рақами ТО 054438 ер участкаси учун 2016 йилда “ZAXIRA BIZNES PLUS” МЧЖ (ИНН 303944365) номига берилган кадастр ҳужжатлари ва бино иншоотга ер участкасига 2016 йилда берилган нотурар жойнинг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Танловлар

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги томонидан "Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси ошпази" ва "Йилнинг энг намунали ошхонаси" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.***





Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда болажонларни қамраб олишни янада кенгайтириш, ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини ошириш, нодавлат мактабгача таълим масканлари тармоғини кўпайтириш, кадрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 1 февралидан пойтахтимиздаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тажриба шаклида туман мактабгача таълим бўлимлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилиб, бу борада бир неча мактабгача таълим масканларида эксперемент ҳам ўтказилган.

Хусусан пойтахтимизнинг Сергели, Олмазор, Чилонзор туманларида кетринг усулида овқатлантириш йўлга қўйилди. Ушбу тажрибага кўра бошқа ҳудудлардаги боғчаларда соғлом овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш чоралари кўрилди. "Йилнинг энг яхши ошпази" ва "Йилнинг энг яхши ошхонаси" танловини мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми дейишимиз ҳам мумкин.

Танловнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги бўлим бошлиғи А.Содиқов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни комил инсон қилиб камолга етказиш масаласига муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Танловда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан мазкур танловнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар ўзаро беллашди.

– Танловни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад тарбияланувчиларни соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ҳаётга кенг тарғиб этишдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги бўлим бошлиғи Абдурашид Содиқов. – Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ошпазларининг ижодий изланишларини янада жонлантириш, таомлар тайёрланиш технологияси, сифатига қўйиладиган талабларга қаттиқ риоя қилиш, тарқатиш қоидалари, болалар учун белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрлари, ҳажми, санитария-гигиена талабларига оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш, ошпазларнинг ўз мутахассислигини чуқур ўрганишга қизиқишини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш каби мақсадлар қамраб олинган. Энг асосийси эса бу танлов келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин болажонларнинг нурли эртаси учун соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, танлов тарбияланувчиларни сифатли ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этиш, соҳага доир таълим изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, мактабгача таълим муассасалари ошпазларининг касбий маҳоратини янада ошириш, маънавий ахлоқий фазилатлари ҳамда ташаббускорлигини такомиллаштириш, бу ҳақда жамоатчилик фикрини шакллантириш каби мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб белгилаб олган.

Танлов иштирокчиларига ҳакамлар ҳайъати томонидан тайёрлаб қўйилган саволлар бирма-бир тақдим этилиб, таом тайёрлашлари учун қулай ва зарур шарт-шароитлар яратилиб берилди, тайёрлаш ва тақдимот учун эса 120 дақиқа вақт ажратилди.

Қатнашчилар тушган саволлар доирасида сутли какао, мевали компот, кисель каби болалар учун мўлжалланган ичимликларни сифатли тайёрлаш, турли булочкалар, ватрушка ёки унли қандолат маҳсулотларини пишириш бўйича ўзаро беллашди.

Биринчи ўринга Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридан Аҳлиддин Ғуломов, иккинчи ўринга Тошкент шаҳридан Ўғилой Солиева, учинчи ўринга эса Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан Муҳайё Бегматовалар муносиб деб топилди.

– Мен "Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси ошпази" танловининг Тошкент шаҳар босқичида ҳам биринчи ўринга сазовор бўлган эдим, – дейди Яшнобод туманидаги 359-мактабгача таълим муассасасининг 19 ёшли бош ошпази Ўғилой Солиева. – Республиика босқичида эса иккинчи ўринга муяссар бўлдим. Бундан жуда ҳам хурсандман. Келажакда болажонларимиз учун бундан-да мазали таомлар тайёрлаш учун ўз устимда тинмай изланаман, ўқиб, ўрганаман янги, енгил ва тез ҳазм бўлувчи овқатлар кашф қилишга ҳаракат қиламан. Ушбу танлов кейинги фаолиятимда ўзига хос муносиб мактаб вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, илк маротаба ташкил этилган бу танлов боғчалар фаолиятини янада такомиллаштириш, болажонларнинг хавфсиз ва тўғри овқатланишини таъминлаш, уларнинг таомномасини витаминларга бой маҳсулотлар билан бойитишда ҳамда тарбияланувчиларнинг камолга етиши ва ривожланиши учун барча зарур жиҳатларни қамраб олганлиги билан эътиборга моликдир.

Мактабгача таълим тизимида бугунги кунда халқаро алоқалар ривожлантирилиб, илғор тажрибалар ўрганилмоқда. "Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси ошпази" ва "Йилнинг энг намунали ошхонаси" кўрик-танлови ҳам бу борада қилинаётган эзгу ишларнинг давомидир.

Танлов сўнгида ғолиблар эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

Тадбирни ташкил этишда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси билан бўлган ҳамкорлик юқори самара берди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар**
**Тимур КАМИЛОВ олган суратлар**

"101"

# ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ

***Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса каби ёнғин ҳам кимнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида содир бўлади.***

Фуқароларнинг газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан аҳолимиз ўз вақтида хулоса чиқармаётганлиги эса янада таажжубланарли ҳолдир.

Одамлар ўз уйидаги газ ва электр тармоқларида юзага келган носозликларга жиддий қараши, уларни ўз вақтида тузаттириб олиши улардан келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин хавфини анча камайтиради. Бу борада маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳудуд аҳолиси билан ҳамкорликда иш олиб боришса, янада яхши натижаларга эришиш мумкин.

**Ш.ЭРКАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, майор**

* * *

Кейинги вақтларда айрим ҳамюртларимиз турли жойларга ташлаб кетилган чиқиндиларни ёки очиқ майдонлардаги қуриб қолган ўт-ўланларни ёқиб юборишга одатланишди. Бу бир томондан экология бузилишига, иккинчи томондан ёнғинлар кўпайишига олиб келмоқда. Оловлар баъзан ён-атрофдаги турар жойлар ва бошқа иншоотларни ҳам қамраб олиб, катта талафотлар сабабчисига айланмоқда.

Ҳолбуки, хонадонлардаги чиқиндиларни махсус пакетларга солиб, белгиланган жойга элтиб ташлаш ёки қуриб қолган шох-шаббаларни, ҳашакка айланган ўсимликларни эринмай бир бошдан ўриб-йиғиб олиш у қадар қийин иш эмас. Борди-ю, аксинча бўлган тақдирда ҳам, биз ҳеч қачон олов билан ўйнашмаслигимиз, эринчоқлик ва бепарволикка йўл қўймаслигимиз, саранжом-саришталик ва тозаликка риоя қилиш халқимизнинг азалий одатларидан бири эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз керак. Албатта, бу вазифа бошқалар қатори маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, хусусий уй-жой ширкатлари раислари ва ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Улар жойларда ҳашарлар уюштириб, маҳалла гузарларимизда ободончилик ва орасталикка таъминлашга бош-қош бўлишдан ташқари, аҳоли ўртасида катта-кичик ёнғинларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан кенг кўламли тушунтириш ишларини ҳам олиб борсалар, фойдадан холи бўлмасди.

**Ғайрат ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, майор**

* * *

Биз ёнғинларга табиий офат деб қарайдиган бўлсак, катта хато қилган бўламиз. Чунки, қаерда ва қандай шароитда содир бўлишидан қатъий назар, ҳар бир ёнғин инсонларнинг хатоси, аниқроғи, корхоналар, маъмурий бинолар, турар-жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслиги, хизмат ходимларнинг огоҳлантиришига бепарволик билан қараши, ёш болаларни олов билан ўйнаши натижасида содир бўлмоқда.

Шу боис, "тилсиз ёв" хавфидан омон бўлиш учун ҳушёр туриш, хавфсизлик қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш лозим. Чунки ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина шу соҳа ходимларининг иши эмас. Бу барчамизнинг вазифамиз. Шундай экан, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз лозим.

**Улуғбек АҲМЕДОВ,**
**Учтепа тумани ЁХБ катта инспектори**

* * *

"Тилсиз ёв"нинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда уйма-уй юриб, тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг якунида ёнғинга қарши ҳолат бўйича аниқланган камчиликларни фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилинмоқда.

Ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг раҳбарлари билан ёнғин-тактик ўқув ва машғулотлар, тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғида ёнғинлар, уларнинг сабаблари ҳамда уларнинг олдини олиш, ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш тўғрисидаги маълумотлар ёритиб борилмоқда.

Шу ўринда ёнғиннинг олдини олиш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизматининг балки мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг бурчи эканлигини эслатиб ўтамиз. Шу сабабдан ҳар доим ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингизни сўраб қоламиз.

**Алавуддин БАБАЕВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ЁХБ инспектори, подполковник**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 36-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**
**"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган бўш ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**АСОС:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 14 августдаги 18-сонли баёни.

**"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК**
- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.
- **Умумий ер майдони:** 5 га.
- **Ижарага берилаётган ер майдонлари:** 2 та лот.
- **Жами ижарага берилаётган ер майдони:** 1800,0 кв.м.
- **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси, табиий газ ва совуқ сув билан таъминланган.
- **Саноат зонасининг йўналиши:** саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- **Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** *"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.*

**Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати:** *Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир нечта лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 13 сентябрь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.*

**Танлов ўтказиш санаси:** *2018 йил 14 сентябрь соат 10:00.*

**Танлов ўтказиш манзили:** *"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.*

**Маълумот учун телефонлар:** *144-16-10, 730-32-93.*

**Электрон почта манзили:** bektemir-ksz@mail.ru

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**
**"Учтепа кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни имтиёзли равишда ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларига**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**АСОС:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 7 октябрдаги 806-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 12 октябрдаги 1390-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 14 августдаги 18-сонли баёни.

**"Учтепа кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК**
- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 26-мавзе, 36-уй.
- **Умумий ер майдони:** 5,1 га.
- **Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони:** 3 та лот.
- **Жами ижарага берилаётган майдон:** 2837,6 кв.м.
- **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси, газ ва совуқ сув билан таъминланган.
- **Саноат зонасининг йўналиши:** саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- **Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** *"Учтепа кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 21-уй, Учтепа туман ҳокимлигининг 5-қавати, 4-хона.*

**Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати:** *2018 йил 13 сентябрь соат 18:00 га қадар.*

**Танлов ўтказиш санаси:** *2018 йил 15 сентябрь соат 15:00.*

**Танлов ўтказиш манзили:** *"Учтепа кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 21-уй, Учтепа туман ҳокимлигининг 2-қаватдаги катта зали.*

**Маълумот учун телефонлар:** *889-56-69.*

**Электрон почта манзили:** mkmuminov@gmail.com

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**
**"Олмазор кичик саноат зонаси" акциядорлик жамияти Сизларни жамият ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни имтиёзли равишда узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**АСОС:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 14 августдаги 18-сонли баёни.

**"Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ**
- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.
- **Умумий ер майдони:** 12,6 га.
- **Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони:** 10 та лот.
- **Жами ижарага берилаётган майдон:** 5276,0 кв.м.
- **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси, газ тармоқлари ва совуқ сув билан таъминланган.
- **Саноат зонасининг йўналиши:** электр техникаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш.

**Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** *"Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.*

**Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати:** *2018 йил 13 сентябрь соат 18:00.*

**Танлов ўтказиш санаси:** *2018 йил 15 сентябрь соат 17:00 да.*

**Танлов ўтказиш манзили:** *"Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.*

**Маълумот учун телефонлар:** *248-16-80, 248-22-71, 248-02-70 (факс).*

**Электрон почта манзили:** oniks.mikond@mail.ru

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**
**"Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бўш ер майдонлари ва бино-иншоотларни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**АСОС:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 14 августдаги 10-сонли баёни.

**"Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК**
- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.
- **Умумий ер майдони:** 34,9 га.
- **Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони:** 6 та лот.
- **Жами ижарага берилаётган майдон:** 16014,0 кв.м.
- **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.
- **Саноат зонасининг йўналиши:** саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- **Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** *"Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.*

**Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати:** *Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир нечта лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 13 сентябрь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.*

**Танлов ўтказиш санаси:** *2018 йил 14 сентябрь соат 12:00.*

**Танлов ўтказиш манзили:** *" Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.*

**Маълумот учун телефонлар:** *230-71-65, 128-83-10.*

**Электрон почта манзили:** mamadjonov_s@mail.ru


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 835

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345